

Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларини унутганлар

15:36 / 24.10.2018 2892

﴿ نَتَّلُونَ وَأَنْتُمْ أَنْفُسَكُمْ وَتَنْسَوْنَ بِالْبُرِّ النَّاسِ أَتَأْمُرُونَ ﴾

﴿ ٤٤ ﴾ تَعْقِلُونَ أَفَلَا الْكِتَابَ

«Одамларни яхшиликка буюриб туриб, ўзингизни унутасизми? Холбуки, Китобни тиловат қияпсиз-ку. Ақл юритмайсизларми?!» (44-оят).

Маълумки, яҳудийлар ва хусусан, уларнинг диний олимлари аҳли ширк бўлган арабларни самовий динга, янги келадиган Пайғамбарга эргашишга, китобга амал қилишга, Аллоҳга берган аҳдларига вафо қилишга ва бошқа кўпгина яхшиликларга чорлар эдилар. Вақти етиб, Аллоҳ Қуръони каримни нозил қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломни охирзамон пайғамбари қилиб юборганда, араб мушрикларидан кўплари иймон келтирдилар, аммо яҳудийлар ўзларини унутиб, кофир бўлдилар. Аслини олганда, улар иймонга аввалроқ киришлари керак эди. Чунки улар Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган Таврот китобини тиловат қилиб турар эдилар. Унда эса сўнгги Пайғамбарнинг келиши тўғрисида хабар бор эди. Китобни, яъни илоҳий китобни тиловат қилиб, одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзини унутиш ақлдан эмас эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло ояти кариманинг

охирида:

«Ақл юритмайсизларми?!» дея хитоб этиб, уларни ақлсизларга тенглаштиряпти.

Аввал айтиб ўтганимиздек, бу ояти каримадаги хитоб фақат Бану Исроилга хос эмас, балки ҳаммага тегишлидир. Ўзи айтганига ўзи амал қилмайдиган дин уламолари ҳар бир уммат учун катта офатдир. Эътиборни жалб қиладиган, диний тус берадиган кийим кийиб олиб, чиройли-чиройли сўзларни танлаб, ширали овоз ила амри маъруф, наҳйи мункар қилиб, аммо айтаётганларига ўзи амал қилмайдиганлар ҳар бир жамиятда топилади. Айниқса, динни ўзларига касб қилиб олганлар хавфли. Улар эгаллаб турган мақомларини бой беришдан қўрқиб, ҳар қандай пасткашлик қилишга тайёрлар. Уларнинг офати ҳаммага уради. Касофати умумийлашади. Дин номидан Аллоҳни, иймонни аралаштириб, яхшиликка чақирадиган, лекин ўзи унга хилоф иш тутадиганлар кишиларнинг қалбларидаги ҳис-туйғуларни оёқости қиладилар, фикрларини остин-устун қилиб, қалбларида ақийда ёққан шуълани ўчириб, иймон нуруни кетказадилар. Шунинг учун ҳам илмига амал қилмайдиганларнинг бу дунё-ю у дунёда азоб-уқубатлари улкан бўлади.

Имом Аҳмад Набий алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадиси шарифда:

«Аллоҳ таоло қиёмат куни саводсизларни уламоларни ҳимоя қилмаган нарсалардан ҳимоя қилади», дейилган. Баъзи ривоятларда:

«Аллоҳ илмсиз кишини етмиш марта мағфират қилганда, олимни бир марта мағфират қилади», – дейилган.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Қиёмат куни бир киши дўзахга келтириб ташланади, шунда қорнидаги нарсалар ташқарига отилиб чиқади, у дўзахда ўз қорнидан чиққан нарсалар атрофида худди тегирмонни айлантирадиган эшак сингари айланиб юради. Дўзахилар уни ўраб олиб:

- Эй Фалончи, сенга нима мусибат етди? Бизга амри маъруф, наҳйи мункар қилмаганмидинг? - дейишади. Шунда у:

- Сизларни яхшиликка чорлар эдим-у, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтарар эдим-у, ўзим қилардим», - дейди», - деганлар.

Имом Аҳмад Набий алайҳиссаломдан ривоят қиладилар:

«Исро кечасида лаблари оловдан бўлган қайчилар билан қирқилаётган кишиларнинг олдидан ўтдим.

- Анавилар кимлар? - деб сўрадим.

- Умматингдаги аҳли дунё ваъзхонлар. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларини унутганлар ва ҳолбуки, китобни ўқир эдилар, ақлни ишлатмайдиларми? - дейишди».

Аллоҳ шундай оқибатдан Ўзи сақласин.